

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ

НАМАНГАН ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МЕТОДИК
ТАЪМИНЛАШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЛИМИ

37-сонли умумий ўрта таълим мактаби

Тарих фани ўқитувчиси

ИСМАЙЛОВА РАЪНОХОННИНГ

5-синф тарих фанидан

“АМИР ТЕМУР ЖАСОРАТЛАРИ ВА
УНИНГ ДАВЛАТИ”

мавзусида ёзган 1 соатлик

ДАРС ИШЛАНМАСИ



Наманган-2014

Мазкур даср ишланма умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф тарих фанидан Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаси асосида тайёрланган ундан дарс машғулотида, “Ёш тарихчи” тўғарагида ҳамда иқтидорли ўқувчиларни билимлар синовига тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Муаллиф: *Исмаилова Раънохон* - 37-сонли умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси

Мухаррир: **М. Солиева** – Наманган туман ХТМФМТ ва ТЭ бўлими методисти

Тақризчи: **А.Бўстонов** - НВПКҚТМОИ катта ўқитувчиси

Мазкур дарс ишланма вилоят халқ таълими бошқармаси методика марказининг 2014-йил _____даги ____- сонли қарори билан вилоят миқёсида оммалаштиришга тавсия этилган.



Исмаилова Раъно Садриддиновна 1982 йилда Наманган вилояти Наманган тумани Ирвадон қишлоғида таваллуд топган. 2001-2006 йилларда Наманган Давлат университетининг тарих факультетида таҳсил олган. Меҳнат фаолиятини 2002-йилда Наманган туманидаги 37- сонли умумий ўрта таълим мактабда тарих фани ўқитувчиси вазифасида бошлаган. Малака тоифаси иккинчи. Исмаилова Раъно илғор, ижодкор, изланувчан, бола қалбига йўл топа

оладиган болажон муаллима. У дарс жараёнида илғор педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан, интерфаол методлардан ўринли ва самарали фойдаланади. Дарсларга ижодий ёндошишга, кўргазмалиликка алоҳида эътибор беради, мустақил иш турларини қўллайди, ўқувчиларни касбга йўналтиради. Исмаилова Раъно дарс берадиган синфларда ўқувчиларнинг билим ва ўзлаштириш самарадорлиги юқори. Унинг педагогик концепцияси – “ижодийлик-соддалаштириш-қизиқарлилик”дан иборатдир.

Исмаилова Раъно ёш ўқитувчиларга устозлик қилади. Турли мавзуларда тавсия ва дарс ишланмалари тайёрлаган. Унинг иш тажрибаси туман миқёсида оммалаштирилган. Исмаилова Раъно 2013-2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “умумтаълим фанлари бўйича умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълимининг узвийлаштирилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини тажриба-синови тўғрисида”ги буйруқларига асосан тарих фанидан 5-6 синфларда тажриба-синов олиб бормоқда.

Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси
методика маркази методисти:

У. Абдурасулова

Биз таянчимиз ва суянчимиз, гуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат – эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат – эҳтиром ифодаси, деб биламиз.

И. А. Каримов.

Мавзу: Амир Темур жасоратлари ва унинг давлати.

Дарснинг технологик харитаси.

Мақсад ва вазифалар	Мақсад: Амир Темурнинг жасоратлари ва унинг давлатини вужудга келиши тўғрисида билимлар бериш. Вазифалар: Ўқувчиларнинг тарих фанига бўлган қизиқишларини кучайтириш, ўқувчилар дарс жараёнида мавзуга оид топшириқларни яқка ва гуруҳ ҳолатида бажарадилар. Мавзудаги тарихий билимларнинг мазмун – моҳияти ва аҳамиятини тушиниб, идрок этадилар. Улар мавзунини ўрганиш орқали муайян билим, кўникма, малака ва компетенцияларга эга бўладилар. Ўқувчиларнинг янги мавзунини ўзлаштирганлик даражаси назорат қилинади ва билимлари баҳоланади.
Ўқув жараёнининг мақсади	Таълимий мақсад: Ўқувчиларга буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг жасоратлари, унинг давлати ҳақида билимлар бериш. Дарсда олган билимларини ҳаётда қўллай олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш. Тарбиявий мақсад: Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти, ҳарбий-сиёсий фаолияти мисолида ўқувчиларда мардлик ва жасурлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, миллий ифтихор ғазилатларини шакллантириш. Уларда мустақил мамлакатимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича масъулият ҳамда дахлдорлик туйғусини ҳосил қилиш.

	Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларда мустақил фикрлаш, ўз фикр – мулоҳазаларини эркин ва равион баён қилиш, воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш, баҳо бериш ва хулосалар чиқариш каби кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш. Дарснинг компетенциявий мақсади: Ўқувчиларга Амир Темур жасоратлари ва унинг давлати ҳақида маълумот бериш орқали умуммаданий, коммуникатив, ўқув-таълимий ва ахборотлаштирилган компетенцияларни шакллантириш.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	Дарснинг усули: Ноанъанавий, интерфаол усуллардан фойдаланилади. Шакл: Гуруҳларда ишлаш. Дарснинг жиҳози: 5- синфларнинг “Тарихдан ҳикоялар” дарслиги, Президентимиз И.А. Каримовнинг “Амир Темур ҳақида сўз”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли китоблари, мавзуга оид бошқа адабиётлар, расм ва плакатлар, Амир Темур давлати ва Ўзбекистон Республикаси сиёсий-маъмурий харитаси, ватман қоғоз, компьютер, видеопроектор. Дарснинг тури: Ўқувчиларга янги билим ва тушунчалар бериш. Назорат: Оғзаки назорат, савол-жавоблар ўтказиш, турли хил топшириқларни бажариш ва текшириш, ўқувчилар фаолиятини бошқариш ва кузатиш. Баҳолаш: Рағбатлантириш, 5 балли рейтинг тизими асосида баҳолаш, кичик гуруҳлар ўрнини ва ғолиб гуруҳни аниқлаш.
Кутилаётган натижалар	Ўқувчилар ўтган дарсда олган билимлари мустаҳкамланади. Янги мавзунини ўрганиш жараёнида Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида, қудратли ва марказлашган давлат асосчиси эканлиги, ўзининг ҳарбий жасоратлари ва истеъдоди билан қўпгина Осиё

	ва Европа, Россия халқлари тинчликка эришганликларини, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида Амир Темурнинг номини улуғлаш ва абадийлаштириш бўйича амалга оширилган ишларни билиб оладилар. Ўқитувчи: Ўқувчиларни дарсга қизиқтиради, уларнинг дарсда фаол ва кенг иштирокини ташкил қилади. Ўқувчиларда тарихий билимлар ва ахборотларни мустақил ўрганиш, хотирада сақлаш, қайта ишлаш, бошқаларга етказиш, савол бериш ва берилган саволларга жавоб бериш кўникма ҳамда малакаларини шакллантиради. Ўқувчи: Янги билимларни эгаллайди. Якка ҳолда ва гуруҳ бўлиб ишлашни ўрганади. Нутқи ривожланади ва эслаб қолиш қобилияти кучаяди. Қисқа вақт ичида маълумотга эга бўлади ва баҳоланади.
Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)	Ўқитувчи: Янги педагогик технологияларни ўзлаштиради ва дарсга татбиқ этиб, такомиллаштиришга эришади. Ўз устида ишлайди. Педагогик маҳоратини оширади. Ўқувчи: Амир Темур жасоратлари ва унинг давлати ҳақида дарсда олган билим ва маълумотларни таҳлил қилади. Дарслик матни, ўқитувчини маърузаси ва бошқа манбалардан қўшимча маълумотлар тўплайди ва мустақил ўрганади.

ДАРСНИНГ БОРИШИ:

I	Ташкилий қисм	2 дақиқа
II	Маънавият дақиқаси	5 дақиқа
III	Уй вазифасини такрорлаш	10 дақиқа
IV	Янги мавзунини тушунтириш	15 дақиқа
V	Янги мавзунини мустаҳкамлаш	8 дақиқа
VI	Дарс якунларини чиқариш	3 дақиқа
VII	Уйга вазифа	2 дақиқа

I. ТАШКИЛИЙ ҚИСМ:

Саломлашиш, давоматни аниқлаш

II. МАЪНАВИЯТ ДАҚИҚАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ:

Ўқувчилар маънавият дақиқасида йилнинг энг муҳим саналарини айтиб ўтадилар.

Ўқитувчи: 2012-йил 10-декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1875-сонли қарори қабул қилинди. Ўқувчилар мен сизларни инглиз тилидан ўрганган билимларингизни синаб кўраман.

Ўқувчилар ўқув қуролларини инглиз тилида айтиб ўтадилар.

Ўқувчи: teacher- ўқитувчи, pupil- ўқувчи, school bag- портфел.

Ўқувчи: pen - ручка, desk-парта, blackboard- доска.

Ўқувчи: copy-book – дафтар, eraser – ўчирғич, ruler - чизғич, book – китоб, pencil – қалам.

Ўқувчи: scissors – қайчи, pencil-case - пенал, colour pencils - рангли қаламлар, box - қути.

Ўқувчи: I am in form 5. Our school number is 37. Our school is beautiful and comfortable. I like my school. In future I want to be a teacher. (Мен 5-синфда ўқийман. Бизнинг мактабимиз 37- сонли. Мактабимиз чиройли ва қулай. Мен мактабимни яхши кўраман. Мен келажакда ўқитувчи бўлмоқчиман)

Ўқувчилар сонига қараб, гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ тўплаган баллар жамланиб борилади ва дарс сўнггида ҳисобланиб, ғолиб гуруҳ аниқланади.

1- гуруҳ – “Тўмарис”

2- гуруҳ – “Спитамен”

3- гуруҳ – “Жалолиддин Мангуберди”

Гуруҳлар нега бундай ном танлаганларини изоҳлайдилар.

III. УЙ ВАЗИФАСИНИ ТАКРОРЛАШ: Темур Малик жасорати.

Ҳар бир гуруҳдан биттадан ўқувчи уйга вазифа қилиб берилган мавзунини режалар асосида сўзлаб беради.

1. Темур Малик Хўжанд ҳокими.

2. Темур Маликнинг кўрсатган жасоратлари.

3. Темур Малик ҳалокати.

1. Темур Малик – хоразмшоҳ Муҳаммад ҳукмронлиги даврида Хўжанд ҳокими, Жалолиддин Мангубердиннинг яқин сафдоши, мўғуллар истилосига қарши кураш олиб борган саркарда, халқ қаҳрамони эди. 1219- йилнинг декабрида 3 кунлик жангдан кейин Банокатни эгаллаган Алоқ нўён бошлиқ 5 минг кишилик мўғул қўшини Хўжандни қамал қилишга киришади. Темур Малик илгарироқ ҳар эҳтимолга қарши Сирдарё ўртасидаги оролда, сув икки шоҳга бўлиниб оқадиган жойда бир мустаҳкам қалъа курдириб қўйган эди. Мўғил қўшини сон ва қурол – аслаҳа жиҳатдан устун бўлгани боис шаҳарни мудофаа қилиш қийинлашди. Натижада Темур Малик 1000 кишилик аскар билан 1220-йилнинг апрелида оролга кўчиб ўтади ва тезликда қалъани жангга тайёрлашга киришади. Шаҳар ва қалъа атрофини душман халқа қилиб ўраб олади. Манжаниқдан отилган тошлар оролга етмагандан сўнг мўғуллар хўжандлик ёшлар ва илгари олинган асирлардан хашар тарзида фойдаланишга қарор қиладилар. Тахминан 50 минг хашарчи теваарак атрофдан тош, шоҳ-шабба келтириб дарёга ташлайди, мўғулларнинг 20 минг кишилик қўшини эса жангга киришади.

2. Темур Малик усти наमत ва сиркали лой билан сувалган, ўқ отиш учун даричалари бор кемалар ясатади. Кунда тонгда ҳар икки томонда 6 тадан кемада сузиб келиб, ёвга қирғин келтириради. Охир оқибат вазият танглашгач, Темур Малик оролни ташлаб кетишга мажбур бўлади. У қолган аскарлари ва юклари ортилган 70 қайиқда Сирдарёнинг қуйи оқими бўйлаб сузиб кетади. Барчинлиғкент (Қизилўрдадан тахминан 50 км жанубда бўлган) яқинида мўғуллар дарёни тўсиб қўядилар. Темур Малик қирғоққа тушиб, душман билан жанг қилади. Кўп талофат бериб, ёлғиз ўзи Қизилқум чўли орқали 1220-йилнинг ёзида Хоразмга етиб келади. Аскар тўплаб Жўжихон қўшинига зарба беради. Касба (Янгикент) шаҳрини мўғуллардан озод қилади.

3. Темур Малик салтанатда юзага келган сиёсий вазият туфайли Хоразмни тарк этади. У 1221-1232 йиллар давомида Султон Жалолиддин билан биргаликда мўғулларга қарши кураш олиб боради. Жалолиддин ҳалокатидан кейин ўз юртига қайтади. Маълум вақтдан сўнг Темур Малик мўғуллар томонидан қўлга олинади ва қатл қилинади. Темур Малик жасорати ҳақида Мирмуҳсин “Темур Малик” романи (1986) ни ёзган. Ашрафий “Темур Малик” номли симфоник поэма (1963) яратган ва Навоий театрида унинг

“Темур Малик” балети (1970) қўйилган. Тошкент шаҳридаги шох кўчаларнинг бирига Темур Малик номи берилган.

Топшириқ: *Гуруҳларга жадвал ичида саволлар берилади. Бунда ўқувчилар тарихий шахсларга берилган таърифларни шахслар исми кўрсатилган каттакчаларга белгилашлари лозим. Топшириқни бажариш учун гуруҳларга 4 дақиқа берилганини айтиб, огоҳлантирилади.*

		Тўмарис	Широк	Спитамен	Муканна	Ж. Мангуберди
		1	2	3	4	5
1	Маълумки, мил. авв. 530- йилда Эрон шоҳи Кир II массагетлар юртига бостириб кирди. Унга қарши ким мардонавор курашди?	+				
2	Юнон тарихчиси Полиен кимнинг жасорати ҳақида ёзиб қолдирган?		+			
3	Мил. авв. 329-йилда юртимизга Александр Македонский бостириб келди, унга қарши ким қаҳрамонона жанг қилди?			+		
4	“Оқ кийимлилар” қўзғолонига ким раҳбарлик қилган?				+	
5	“Мен бир ўзим Доро I лашкарларини ҳалокатга учратдим” – кимнинг сўзлари?		+			
6	“Тириклигинда инсон қонига тўймаган эдинг. Мана, энди тўйгунигча ич, қонхўр” – сўзлари кимга тегишли?	+				
7	Мил. авв. 329-328 – йилларда Сўғдиёнада ким бошчилигида қўзғолон бўлди?			+		
8	Валиён қалъасини қамал қилиб турган душманларни енгди.					+

9	1999- йил 5- ноябрда кимнинг 800- йиллик юбилеи ўтказилди.					+
10	“Отага шундай жасур ўғил лозим. У икки гирдоб – олов ва сув гирдобидан озодлик майдонига чиқа олди”. Гап ким ҳақида кетмоқда?					+
11	Кеш атрофидаги тоғ тепасида бино қилинган Сом қалъасини ўз қароргоҳига айлантирган.				+	
12	Искандар томонидан юборилган қотиллар томонидан ўлдирилди.			+		

Жамоалар топшириқни бажариб бўлганларидан сўнг, ўқитувчи жавобларни изоҳлаб, балларини эълон қилади.

IV. ЯНГИ МАВЗУНИ ТУШУНТИРИШ. (режа асосида кичик маъруза)
Ўқитувчи янги мавзу режасини компьютерда слайд ҳолатида кўрсатади.


Mavzu: Amir Temur jasoratlari va uning davlati

1. Amir Temur hayoti va faoliyati
2. Amir Temur davlati
3. Amir Temur Osiyo xalqlari xaloskori
4. Amir Temur Yevropa xalqlari xaloskori

1. Амир Темур 1336-йил 9-апрелда Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Хожа илғор қишлоғи (ҳозирги Яккабоғ тумани) да туғилган. Тўлиқ исми Амир Темур кўрагоний ибн Амир Тарағай ибн Амир Бурқул. Ёзма манбаларда у Темурланг, Европа адабиётида Тамерлан номлари билан таърифланади. Амир Темур – ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда кучли, марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси. Амир Темурнинг онаси Такинахотун бухоролик машҳур фақиҳ Тож


аш-шариа (шариат тожи) тахаллуси билан машхур бўлган Убайдулла ибн Маъсуднинг авлоди эди. Унинг отаси Амир Тарағай барлос уруғининг оксоқолларидан бўлиб, Чигатой улусининг эътиборли бекларидан ҳисобланган. Унинг аجدодлари Чигатой саройи мулозимлари қаторидан ўрин тутган. Амир Темурнинг ёшлиги она юрти Кешда кечди. Етти ёшга тўлгач, отаси уни ўқишга беради. У ёшлик чоғлариданоқ чавандозлик ва овга ишқибоз бўлиб, камондан нишонга ўқ узиб, от чоптириш турли машқ ва ҳарбий ўйинлар билан машғул бўлишни ёқтирар эди. Шу аснода Амир Темур тулпорларни саралаб ажрата оладиган моҳир чавандоз ва довюрак баҳодир сифатида вояга етади. Амир Темурнинг Мовароуннахрни бирлаштириш йўлидаги дастлабки ҳаракати XIV асрнинг 60-йиллар бошларидан бошланган. Жета хонларидан Туғлуқ Темур ва унинг вориси Илёсхўжа 1360-1361, 1365-йилларда Мовароуннахрга бир неча бор бостириб кирадилар. Бироқ Мовароуннахр аҳолиси мўғулларга қарши курашда журъат эта олмайдилар. Кеш вилоятининг ҳукмдори Ҳожи Барлос Хуросонга қочади. Мана шундай оғир паллада Амир Темур майдонга киради. Амир Темур Туғлуқ Темур хизматига ўтиб, унинг ёрлиғи билан ўз вилоятининг доруғаси этиб тайинлади. Бироқ, кўп ўтмай Мовароуннахрнинг ҳукмдори этиб таъйинланган Илёсхўжа билан Амир Темур муросаси келишмай қолади. 1365-йилнинг 22-майида Тошкент ва Чиноз ўртасида содир бўлган “Лой жанги”да Амир Хусайн хиёрати оқибатида Амир Темур кўшинлари мағлубиятга учрайди.

2.1366-йили амир Хусайн Мовароуннахрда ҳокимиятни ўз қўлига олади, аммо кўп ўтмай амир Хусайн ва Амир Темур ўртасидаги муносабат кескинлашиб очикдан очик низога айланади. Улар ўртасида 1366-1370-йилларда бир неча бор тўқнашувлар бўлиб ўтади. Амир Хусайнга қарши Балхга йўл олаётган Амир Темур Термиз яқинига келганда маккалик шарифлардан Саййид Барака Амир Темур фаолиятини қўллаб-қувватлаб, унга олий ҳокимият рамзи катта ноғора – табл билан ялов – байроқ тортиқ қилади. 1370-йили 10-апрелда Балх шаҳри Амир Темурга таслим бўлади. Амир Хусайн қатл этилади. (2- слайд)



3. 1370-йилнинг 11-апрелида Чигатой улусининг бек ва амирлари, вилоят ва туманларнинг доруғалари, Амир Темурнинг курулдош дўстлари, шунингдек, Амир Темурнинг пири Саййид Барака иштирокида курултой ўтказилади. Курултойда Амир Темурнинг ҳукмдорлиги расман тан олиниб, у Мовароуннахрнинг амири деб эълон қилинади. Амир Темур Мовароуннахр ва Хоразмда ҳукм сурган тарқокликка, ўзаро низо ва Мўғулистон томонидан бўлиб турган тазйиққа чек қўйди. Амир Темур Олтин Ўрда томонидан бўлаётган тазйиққа барҳам бериш мақсадида Тўхтамишга қарши уч марта қўшин тортади. 1389-йилда Дизакнинг Аччиқ мавзесида, 1391-йили Қундузча жангида, 1395-йил Тарак дарёси бўйидаги жангларда ғалаба қозониб, душман қўшинини тор-мор этди. Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси, фақат Ўрта Осиё учун эмас, балки бутун Шарқий Европа, шунингдек Рус князликлари учун ҳам буюк аҳамият касб этган эди.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ХАРИТАСИ



4. Амир Темурнинг 1399-1404-йилларда содир бўлган етти йиллик урушлари энг шиддатли ва энг йирик жанглардан бири бўлиб, унинг оқибатида Шомнинг Халаб, Кумис, Баалбек, Дамашқ каби йирик шаҳарлари ва Ироқи Арабнинг Убилистон ўлкаси билан Боғдод, шунингдек Туркиянинг каттагина қисми фатҳ этилади. Натижада икки буюк саркарда: Соҳибқирон Амир Темур билан Боязид Йилдиримларнинг тўқнашуви муқаррар бўлиб қолади. Чунки тобора кучайиб бораётган бу икки туркий давлатларнинг ҳар бири иккичиси учун ниҳоятда кучли рақибга айланган эди. Бир томонидан, Европа ритсарларига қакшатқич зарба бериб, Болқон ярим ороли бўйлаб, ғарбга томон ўз ҳудудларини кенгайтираётган Усмонлилар давлати учун Амир Темурнинг марказлашган кучли давлатини қарор топиши қанчалик хавфли туюлса, Кичик Осиёда барпо этилган қудратли Усмонлилар давлатининг кучайишидан Амир Темур ҳам шунчалик манфаатдор эди. Амир Темур ва Боязид Йилдирим қўшинлари ўртасидаги сўнгги ва ҳал қилувчи жанг 1402-йилнинг 20-июлда Анқара яқинида Чибуқобод мавзейида содир бўлади. Бу жанг тарихда “Анқара жанги” номи билан шуҳрат топади. Уч кун давом этган бу жангда Амир Темур ғалаба қозонди. Амир Темурни Боязид устидан устидан қозонилган буюк ғалаба билан Франция кироли Карл VI (1380-1422), Англия кироли Генрих IV (1399-1413), ҳамда Кастилия ва Леон кироли Генрих III (1390-1407) табриклаб, унга ўз муборак номаларини юбордилар. Чунки Соҳибқирон эндиgina уйғонаётган Европага улкан хавф солиб турган Усмонли турклар давлатига зарба бериб, бутун Европанинг халоскорига айланган эди.

Шўролар тузими даврида Амир Темур шахси ва фаолиятига адолатсизлик билан ёндашилиб, бир ёқлама баҳо бериб келинди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов сай-ҳаракати билан Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ўз жойига қўйила бошлади. Ўзбекистонда унинг фаолиятини ўрганишга ва уни оммалаштиришга кенг йўл очилди. Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларнинг марказий майдонларида Амир Темурга ҳайкал ўрнатилди. Тошкентдаги Амир Темур хиёбонида Темурийлар даври музейи барпо этилди (1996), “Амир Темур” ордени таъсис этилди (1996) ва Халқаро Амир Темур жамғармаси ташкил қилинди (1995). Тошкент, Самарқанд ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО раҳбарлигида ҳазрат Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди (1996). Амир Темур ҳақида

икки қисмдан иборат бадиий филм, спектакллар ва шеърӣ ҳамда насрий асарлар яратилди.

V. ЯНГИ МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ.

Янги мавзунӣ мустаҳкамлаш учун ҳар бир гуруҳга тест банклари ва тарқатмалӣ саволлар берилади. Ўқувчилар тест саволлари жавобини 3 дақиқа ичида белгилашлари лозим. Бу вақтнинг ичида қолган ўқувчилар тарқатмалӣ саволларга оғзаки жавоб берадилар.

ТЕСТ.

1. Амир Темур қачон ва қаерда таваллуд топган?

- А) 1336-йил 9-апрелда Кеш шаҳри яқинида Хожаилғор қишлоғида
- Б) 1336-йил 9-апрелда Бухоро яқинидаги Ҳиндувон қишлоғида
- С) 1336-йил 9-апрелда Фарғонанинг Риштон қишлоғида
- Д) 1336-йил 9-апрелда Хоразмнинг Замахшар қишлоғида

2. 1365-йил 22-майда.....

- А) Қундуз яқинида жанг бўлиб ўтди.
- Б) Самарқандда сарбадорлар кўзғолони бўлиб ўтди.
- С) “Лой жанги” бўлиб ўтди.
- Д) Амир Хусайн Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилинди.

3. Саййид Барака Амир Темур фаолиятини қўллаб-қувватлаб, унга нима тортиқ қилади?

- А) тулпор от
- Б) Олий ҳокимият рамзи қилич ва ханжар
- С) Олий ҳокимият рамзи табл билан ялов – байроқ
- Д) Олий ҳокимият рамзи олтин калит

4. “Анқара жанги” кимлар ўртасида бўлиб ўтди?

- А) Амир Темур билан Илёсхўжа қўшинлари ўртасида
- Б) Амир Темур билан Тўхтамишхон қўшинлари ўртасида
- С) Амир Темур билан Султон Боязид қўшинлари ўртасида
- Д) Амир Темур билан Амир Хусайн қўшинлари ўртасида

5. Амир Темур давлатининг пойтахти қайси шаҳар эди?

- А) Бухоро Б) Самарқанд С) Шаҳрисабз Д) Тошкент

Янги мавзу юзасидан тарқатмали саволлар:

1. Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасида ҳал қилувчи жанг қачон, қаерда бўлиб ўтди?
2. Амир Темур қачон Мовароуннаҳр ҳукмдори этиб тайинланди?
3. Амир Темур билан қайси давлатлар қироллари яхши муносабат ўрнатишга ҳаракат қилди?
4. Юртимизда нечанчи йилни “Амир Темур йили” деб эълон қилинган?
5. Амир Темурнинг турк султони Боязид устидан ғалабаси қандай аҳамиятга эга бўлган деб ўйлайсиз?

Ўқувчиларнинг компетенциявий қобилиятларини текшириб кўриш мақсадида республикамизнинг турли шаҳарларида Амир Темурга атаб бунёд этилган ҳайкалларнинг суратлари кўрсатилади. Гуруҳлар суратдаги ҳайкал қачон ва қаерда бунёд этилганини айтишлари лозим. Жавобни топишга бир дақиқа вақт берилади.

1 – гуруҳга:



2 – гурухга:



3 – гурухга:



VI. ДАРС ЯКУНЛАРИНИ ЧИҚАРИШ:

Гуруҳларга бир хил вариантда бошқотирма берилади.

Бошқотирмани бажариш учун 3 дақиқа вақт ажратилгани айтиб ўтилади.

Ўқувчилар берилган бошқотирмани бажариш учун рақамларга белгиланган ҳарфларни тўғри жойлаштирсалар Амир Темури ҳақида асар ёзган муаллиф ва асарининг номи келиб чиқади.

1-А							7-Ш
2-Ф	7,1,8,4,2,5,3,3,5,6						8-Р
3-Д	1,13,5. 9,12,3,5,10						9-Я
4-О							10-Й
5-И	12,1,2,1,8,6,4,11,1						11-М
6-Н							12-З
							13-Л

VII. УЙГА ВАЗИФА.

1. Дарсликдаги савол ва топшириқлар устида ишлаш.
2. Амир Темури тарихига оид асарларни мустақил ўрганиш.
3. Амир Темурининг ўғитларидан ёд олиб келиш.

Дарс якунида ўқитувчи жамоалар тўплаган балларни ҳисоблаб, голиб гуруҳни эълон қилади.

Гуруҳларга берилган топшириқлар жавоблари:

ТЕСТ ЖАВОБЛАРИ.

1-А, 2- С, 3- С, 4- С, 5- Б.

ТАРҚАТМАЛАР ЖАВОБЛАРИ.

1. 1395-йил, Терек дарёси бўйида.

2. 1371-йил 11- апрелда.
3. Франция, Англия ва Кастилия қироллари.
4. 1996-йил.
5. Европа давлатлари турклар ҳужумидан халос бўлди. Ривожланиш бошланди.

Гуруҳларга берилган суратларнинг жавоби:

1 –гуруҳга берилган сурат Тошкент шаҳридаги “Амир Темур” ҳиёбонига 1993-йил 1-сентябрда ўрнатилган ҳайкал сурати.

2 – гуруҳга берилган сурат Амир Темурга Шаҳрисабз шаҳрида 1996 йилда ўрнатилган ҳайкал сурати.

3 – гуруҳга Амир Темурнинг Самарқандда 1996- йилда ўрнатилган ҳайкал сурати берилган эди.

Бошқотирма жавоби: Шарофиддин Али Яздий, Зафарнома.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И. А. Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент “Маънавият” 2011.
2. И. А. Каримов. “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир”. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2013.
3. И. А. Каримов. Амир Темури ҳақида сўз. Тошкент, 1996.
4. И. А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, 1998.
5. Умумий ўрта таълимнинг узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти ва оптималлаштирилган ўқув дастури (тарих фани). Тошкент, 2010.
6. Ўрта асрлар тарихи (I қисм Ўзбекистон тарихи). Тошкент “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти – 2012.
7. У. Жўраев, Қ. Усмонов, А. Нурқулов. Тарихдан ҳикоялар. 5-синф учун дарслик. Тошкент. Чўлпон номидаги нашриёт матбаа – ижодий уйи. 2011.
8. А. Нурқулов, М. Муйдинова. Тарихдан ҳикоялар 5-синф. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. “Тафаккур” нашриёти Тошкент -2011.
9. А. Муҳаммаджонов, М. Муйдинова, Ф. Султонова. Ўзбекистон тарихи 7- синф ўқитувчилар учун методик қўлланма. Тошкент. “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси. 2009.

